



2017 йил «20» *сентябрь*

№ *89-г*

**2017 йилда манзилли дастур
асосида қурилиши режалаштирилган
меҳмонхона биносини қуриш учун ер
майдони танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 24 августдаги «Қишлоққурилиш» МЧЖ билан келишилган №114/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 26 августдаги № 1175-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудида яшовчи Қайнаров Собир томонидан, Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0.063 гектар ер майдонига Меҳмонхона биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 5 сентябрдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Нуробод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,063 гектар ер майдонига Меҳмонхона биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2016 йил 5 сентябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Қайнаров Собирга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

2. Қайнаров Собирга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Қайнаров Собир томонидан тасдиқланган қурилишни лойиха асосида қуриш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Қайнаров Собир томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов